
“ҒАЛЛА-2021”: ҒАЛЛА ЎРИМИ МАВСУМИ БОШЛАНДИ

Риштон туманида ғалла ўрим-йиғимига киришилди. Жорий йилда туман миришкорлари 7 минг 880 гектар майдонда агротехник тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали ташкил этганлиги боис ғалла далаларида мўл ҳосил етиштирилди. Эндиги вазифа етиштирилган дон ҳосилини неснобуд қилмай сифатли ўриб-йиғиб олишга қаратилган. Бунинг учун туманда 20 та махсус отрядлар, 20 та ғалла ўриш комбайнлари, 100 та юк автомобиллари, 10 та кўчма устaxonалар, 10 та ёқилғи-мойлаш материалларини ташиш агрегатлари хизмат қилмоқда.

Ғалла ўрим-йиғимига киришиш олдидан тумандаги “Шохрух” тўйхонасида диний маросим ўтказилди. Маросимда туман ҳокимлиги, қишлоқ хўжалиги бўлими ходимлари, миришкор деҳқонлар, ғаллачилик кластер корхонаси вакиллари, фермер хўжаликлари, отрядлар раҳбарлари ҳамда ташув транспорти эгалари қатнашдилар. Маросимда дуои фотиҳалар қилиниб, деҳқончиликка қут-барака тиланди.

Шундан кейин 2- Сектор М.Келдиев ММТП ҳудудидаги "Баркамолбек пахтазори" номли фермер хўжалигида (раиси Юсупов Зоҳиджон) нуроний отахонлар дуоиси билан ғалла ўримига киришилди.

Эслатиб ўтамиз бу йил ғаллакорларимиз томонидан 29 минг 107 тонна тонна ҳосил олиш режа қилинган.

2021-06-05 12:35:35